Тошкент оқшоми

2006 ЙИЛ, 9 ИЮНЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 110 (10.667) Баҳоси эркин нархда

ТОШКЕНТДА ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгилиқлар, воқеалар

ТАН ОЛИШ ЛОЗИМКИ, БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ИЗЛАНГАН ЮТАДИ, ИНТИЛГАН ТОЛЕ ТОПАДИ. ШУ БОИС ҲАМ БОЗОР ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ИШ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ҚАДДИЛАРИНИ РОСТЛАМОҚДА, ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН НАФАҚАТ ИЧКИ, БАЛКИ ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ЎРИН ТОПМОҚДА.





Иқтисодиёт

ҲАР ҚАНДАЙ МУВАФФАҚИЯТ ИЗЛАНИШГА БОҒЛИҚ

Ўзининг нафис ва жарангдор биллур буюмлари билан ном қозонган «Оникс» акциядорлик жамияти тадбиркорлари ҳам ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, маҳсулот сифатини янада ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатни бўшаштирмаяптилар. Шу боис жорий йилнинг беш ойида ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 157 фоизга ўсиб, 1 миллиард 600 минг сўмликни ташкил этди.

Бу муваффақиятга эришишда, албатта имкониятлардан оқилона фойдаланиш самара берди. Чунки ўтган йил охирларида катта маблағ сарфлаб биллур идишларни пишитувчи янги печнинг ишга туширилиши натижасида яна қўшимча 100 нафар ишчи ўринлари яратилди. Маҳсулот сифати яхшиланмоқда, ҳажми ҳам кўпайди. Корхонада 200 хилдан зиёд биллур маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган бўлса, дизайнерларнинг изланишлари боис жорий йилнинг ўтган ойларида яна 10 турдаги хилма хил товарлар харидорларга етказиб берилди.

— Аввало маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганлигимиз, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз боис, — дейди акциядорлик жамиятининг иқтисодиёт бўйича раис ўринбосари Абдубакир Усканбоев, — маҳсулот тайёрлаш ҳажмини оширишга, сифатини Европа андозалари даражасига етказишга мувофиқ бўляпмиз. Ўтган йилда 2 миллиард 88 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, жорий йил охиригача ушбу рақамни 3 миллиард 200 миллион сўмга етказишни, 30 турдаги янги биллур буюмлари тайёрлашни режалаганмиз. Айниқса, ушбу буюмлар орасида ҳар қандай бинонинг ички гўзаллигига ўз таровати ва жилоси билан кўрк бағишловчи қандил ва бралар, хонадон бекаларининг эътиборини қозонадиган гулдон ва турли вазалар, хилма-хил идишлар моҳир дизайнерларимизнинг маҳоратлари маҳсулидир.

Айниқса, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, биллурсозлар ўз маҳсулотларининг экспорт ҳажмини оширишга ҳам муваффақ бўлишмоқда ҳамда бу борада саъй-ҳаракатларни давом эттиришмоқда. Бунинг учун Ҳамдўстлик Давлатларида Савдо уйларини очиш, шу йўл билан харидорлар топиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда қўшни Қозоғистон давлатида ана шундай Савдо уйларидан бири фаолият кўрсатмоқда. 2005 йилда ушбу давлатга 200 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган ойларида эса ушбу рақам 136 минг долларни ташкил этиб, йил охиригача 300 минг долларлик товарлар экспортини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, Россия ва Хитой давлатлари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйишга интилишмоқда.

Айни пайтда корхонада меҳнат қилаётган 685 нафар ишчи-хизматчиларга нафақат етарли меҳнат, балки қулай дам олиш шароитлари ҳам яратилган. Бу эса меҳнат унумида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва кўркида ёрқин намоён бўлмоқда. Изланишлар давом этаётган корхонада шу йилнинг охиригача яна бир замонавий печни ишга тушириш режалаштирилган. Кўзланган мақсаднинг амалга ошиши эса юксалиш сари яна бир дадил қадам ҳисобланиб, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрланишига ҳамда экспорт ҳажмининг ортишига катта ҳисса қўшади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: жилоси кўзни қамаштирувчи биллур буюмлар корхона тадбиркорлари маҳорати намуналаридир.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

БЕЛЬГИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИ ҲАҚИДА

БРЮССЕЛДА «ЎЗБЕКИСТОН: ИСЛОҲОТЛАР ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ МОДЕЛИ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. У ЕВРОПА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. АНЖУМАН ДОИРАСИДА ПРЕЗИДЕНТ И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Учрашувда Европарламент, Еврокомиссия ҳамда Европа Иттифоқи, НАТОга аъзо мамлакатлар ваколатхоналари вакиллари, Брюсселдаги илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти экспертлари иштирок этди.

Европа халқаро муносабатлар институти президенти И. Семинаторе конференцияни очар экан, турли сиёсий маданиятларнинг ўзаро ҳамнафаслиги бугунги кунда глобал хавфсизликни таъминлашнинг омилларидан бири эканини қайд этди. Унинг фикрича, Ғарб қадриятларининг барчаси ҳам универсал эмас ва шу боис ҳамма жамиятлар ғарблаштириш жараёнларини бошидан кечиришга мажбур эмас. Ҳозирги пайтда ўзининг тарихий тажрибаси ва маданий қадриятлари ҳисобга олинган, ўз тараққиёт йўлига эга бўлган Ғарб ва Шарқ биргаликда ривожланиш имкониятлари синовини бошдан кечирмоқда. Жамиятни модернизациялаш жараёнларини, шунингдек, Ғарб демократия тизимини бир мамлакатдан бошқасига автоматик тарзда ўтказиб бўлмайди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда демократия жараёнлари тўлқинида ҳокимият тепасига фундаментал ва экстремист кучлар келиб, демократия тамойилларига зид сиёсат ўтказишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан Марказий Осиёдаги хавфсизликнинг нозик ҳолати ҳақида сўзлар экан, И. Семинаторе Ўзбекистон бу минтақадаги барқарорликнинг гарови эканини таъкидлади.

Европа халқаро муносабатлар институти етакчи илмий ходими Ж. Липперт ўз чиқишида мазкур конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги улкан геосиёсий аҳамиятидан далолат беришини қайд этди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг ноёб жуғрофий жойлашуви унга ҳам қўшни давлатларнинг, ҳам минтақада ўз манфаатларига эга ташқи кучларнинг транспорт-коммуникация, савдо ва бошқа стратегияларида алоҳида роль ўйнашига имкон беради.

Брюссель озод университети фахрий профессори Ж. Бланкофф ўз чиқишида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобига асосий эътиборни қаратди. Ўзбекистон томонидан танланган жамиятни демократлаштириш модели, унинг муҳим халқаро масалалар бўйича оқилона ва вазмин ёндашуви мамлакатнинг минтақа ва хориждаги ролини кучайтиради.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Б. Худойбердиев, мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси В. Норов ўз чиқишларида терроризм, диний экстремизм ва гиёванд моддалар ноқонуний трансмиллий савдосига қарши курашдаги Ўзбекистон нуқтаи назарининг концептуал қирраларига атрофлича тўхталар экан, турли давлатлар ва халқаро тузилмалар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик доирасида ушбу таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишнинг аниқ чора-тадбирларидан мисоллар келтиришди. Шу муносабат билан уларнинг ахборотларида Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда, ривожланган фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга дунёвий, демократик жамият қуришда давлатнинг ўрни кўрсатилишига асосий урғу берилди. Бунда республикамиз мустақилликнинг илк даврларида тўқнаш келган ҳамда янги жамиятни қуриш ва ривожлантириш модели танланишини тақозо этган муаммоларга эътибор қаратилди.

Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди» китоби конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Европа дипломатия академияси профессори А. Бехишти қайд этганидек, ушбу китоб орқали Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар жараёнини, мамлакат раҳбариятининг мустақил давлатни ривожлантириш модели юзасидан қарашларини кузатиш мумкин.

Мудофаа масалалари бўйича таҳлилчи Р. Хернернинг айтишича, Европа сиёсий доиралари ўзларининг ўзбек ҳамкасблари фикрига диққат қилмоғи, улар билан ахборот ва тажриба алмашиши, биргаликда Марказий Осиё ва Афғонистонда узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлларини излаши лозим.

Буюк Британиялик мустақил сиёсий маслаҳатчи Б. Гил Ўзбекистондаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига тўхталиб, ислоҳотларнинг инқилобий эмас, балки тадрижий йўл билан ўтказилаётгани ҳамда бу ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани жуда муҳим, деб ҳисоблашини қайд этди. Инглиз сиёсатшуноси фикрича, конференция якунлари Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигига уни яна бир бор ишонтирди. Зеро, Ўзбекистон бутун Марказий Осиё минтақасига кириш дарвозаси бўлиб қолиши мумкин.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА мухбири,
Брюссель.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Элликқалъа тумани буғдойзорларида тўққизта янги, замонавий комбайнлар ғалла ўримига киришди. Германияда ишлаб чиқарилган бу ажойиб ўрим техникаларини Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки харид қилиб, элликқалъалик тўққизта фермерга ўн йил муддатга лизинг асосида туҳфа қилди.**

● **Жиззахда «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятда истиқомат қилувчи 50 нафардан зиёд ногирон болалар қоғозга ва асфальтга расм чизиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.**

● **Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Нахшаб жавоҳирлари» ва «Қашқадарё манзаралари» номли суратлар тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган ушбу тўпламлар «Маънавият» нашриётида чоп этилган бўлиб, уларда узоқ ўтмиш, тарихий босқичлар, кўп йиллик маданият ва бугунги ҳаёт акс этган.**

● **Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мажлислар залида соҳа тизимидаги корхона ва ташкилотлардан суғурта ишларига масъул раҳбар ходимлар иштирокида «ALSOM» қўшма суғурта компанияси томонидан «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналарда суғурта муносабатларини ривожлантириш» мавзуида семинар ташкил этилди.**

● **Термиз шаҳрида тасвирий санъат, чизмачилик, меҳнат таълими ва мусиқа маданияти фанлари ижодкор ўқитувчиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги умумий ўрта таълим мактабларининг ижодкор ўқитувчилари муаммоли мавзуда дарс ўтиш, анъанавий машғулотлар олиб бориш, компьютер саводхонлиги, янгилик ва ихтиролари юзасидан қизғин баҳс юритдилар.**

● **Самарқанд шаҳридаги «Neo» клубида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг ҳудудий саралаш турнири ўтказилди.**

● **Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани ғаллакорлари давлатга дон сотиш юзасидан шартномавий режаларини бажардилар. 6635 гектар майдондаги ғалла қисқа фурсатда йиғиштириб олинди. Давлат хирмонига режадаги 10 минг тонна ўрнига 11 минг тонна сара дон сотилди.**

ЖАҲОНДА

● **Фаластин ҳукумати янги ташкил этилган қуролли кучларни Ғазо ҳудудидаги аҳоли пунктларидан олиб чиқиб кетишга розилик билдирди. ХАМАСнинг мустақил равишда қуролли тузилма ташкил этиши мухторият етакчиси Маҳмуд Аббос тарафдорлари томонидан кескин танқид қилинмоқда.**

● **Кеча Ироқ пойтахти Бағдоддан 65 километр узоқликда АҚШ ҳарбийлари томонидан жаҳондаги иккинчи рақамли террорчи, «Ал-Қоида»нинг Ироқдаги етакчиси Абу Мусоб аз Зарқавий аниқ мўлжалга олинган авиазарба орқали ўзининг етти нафар ҳамроҳи билан биргаликда йўқ қилинди. ДНК таҳлили ҳам ўлдирилган шахснинг Зарқавий эканлигини тасдиқлади.**

● **Бельгия пойтахти Брюсселда Украина—НАТО комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтмоқда.**

● **Европанинг 14 та давлати ноқонуний ҳибсга олинган ва терроризмда гумон қилинган маҳбусларни четга олиб кетишда АҚШнинг Марказий разведка бошқармаси билан ҳамкорлик қилганликда айбланмоқда. Европа Кенгаши ушбу давлатлар ҳақидаги ҳисоботни эълон қилди.**

● **Доғистон Ички ишлар вазирлиги маълумотига кўра, республиканинг Унцуку туманида ваххобий-жангчилар инкассаторга ҳужум қилишган. Ҳужум натижасида уч нафар киши ҳаётдан кўз юмган. 18 миллион рубль тилла тангалар ва инкассаторларнинг қуролларини қўлга киритган жиноятчилар воқеа жойидан ғойиб бўлишган. Ҳозирда жиноятчиларни ушлаш бўйича кенг кўламдаги тадбирлар давом этмоқда.**

● **Исроиллик олимлар мамлакат марказида жойлашган Рамле шаҳри яқинида ноёб экологик тизимга эга ғорни топишга муваффақ бўлишди. Гап шундаки, ушбу ғор ташқи дунёдан бутунлай ажралган бўлиб, шундай ҳолатда 5 миллион йилга яқин сақланиб турган. Бу ерда олимлар фанда илгари маълум бўлмаган 8 хил ҳайвонни — 4 та чучук сувда яшовчи ва денгиз қисқичбақасимонлари ҳамда 4 та қуруқликда яшовчи турни кашф этишди.**

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 10 июнь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши, момақалдироқ бўлиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади, момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги секундига 15-17 метргача кучаяди. Кечаси 15-17, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида туман фаоллари, корхона-ташкилотлар хотин-қизлар қўмиталари раисалари, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раисалари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармонида белгиланган вазифаларнинг аҳамиятига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **КЕЧА** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг марказий кутубхонасида «Қуёшча нури» мактабгача таълим муассасаси ҳамкорлигида жажжи китобхонларнинг адабиётшунослар, шоирлар билан учрашуви «Эртаклар — яхшиликка етаклар» деб номланди.

● **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги Иброҳим ота маҳалласида туман ҳокимлиги ташаббуси билан фаоллар, ёшлар иштирокида ободонлаштириш ишлари ташкил этилди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Ҳабибий маҳалласида ёшлар бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши томонидан «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» лойиҳаси доирасида уюштирилган мусобақалар қатнашчилари югуриш, копток билан сакраш, арқон тортиш бўйича ўзаро беллашдилар.

● **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Чевар» қўшма корхонасида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият» деб номланди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Маҳкам Мерганов маҳалласида туман Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлим ҳамкорлигида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан уюштирилган хайрия тадбирида маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногирон болаларга эсдалик совғалари тарқатилди.

● **БУГУН** Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Спорт — менинг келажагим» мавзуида тадбир ва спорт мусобақалари ўтказилди.

● **БУГУН** Бобур ва «Баҳор» маҳаллаларида «Кўчма спорт ўйинлари» лойиҳаси доирасида мусобақа ўтказилди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги «Бирлашган» ва «Сивец» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ўтказилган оммавий кўчма спорт ўйинлари «Камолот» ЁИҲ Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент иқтисодиёт коллежида «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Ёзни «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида уюштирилган спортнинг шахмат, шашка, арқон тортиш, баскетбол, «Қувноқ стартлар» мусобақаларида «Олмазор, «Ўқчи», «Ўрда» маҳаллалари жамоалари ўзаро беллашди.

● **ЎТГАН** куни Ҳамза туманидаги Жалол Шаҳбозов маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлиги қошидаги Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси йиғилишида ёшлар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбирида шаҳримиз ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этишди.

● **МИРОБОД** туманидаги «Салор» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорлигида уюштирилган хайрия тадбирида фахрийларга, кам таъминланган оилалар аъзоларига, ногирон болаларга мутасаддиларнинг эсдалик совғалари тарқатилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Маҳалланг—ота-онанг

ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР ЭЪТИБОРГА ОЛИНДИ

«ЖАМОАТНИНГ ФИКРИ ҲАМИША АНИҚ НИШОНГА ТЕГАДИ. НЕГАКИ КЎПЧИЛИК МУЛОҲАЗА ЮРИТГАН ЖОЙДА МАСАЛАНИНГ ҲАММА ҚИРРАЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ». ЎЗ ДАВРИНИНГ ЕТУК ФАЙЛАСУФИ АБУЛ ФАРОЖНИНГ МАЗКУР ЎГИТИ ЎЗ ДАВРИДА ҚАНЧАЛИК МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТГАН БЎЛСА БУГУН ҲАМ ҚАДР-ҚИММАТИНИ ЗАРРАЧА ЙЎҚОТГАН ЭМАС, БИЛЪАКС, ДАВР ЭВРИЛИШЛАРИДА ЯНАДА САЙҚАЛ ТОПИБ БОРМОҚДА.

Мустақиллик даврида халқимиз менталитетининг ажралмас қисми сифатида бўй кўрсатган маҳалла тизими ана шу жамоатчилик фикрининг тиниқ кўзгусига айланиб бораётгани айни ҳақиқат. Айтиш мумкинки, бу фикримиз Чилонзор туманидаги Ҳамза номли маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ўз тасдиғини топди.

Маҳаллада 53 та кўп қаватли уй мавжуд. Уларда 5900 нафар аҳоли истиқомат қилади. Халқ хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида маҳалла гузарига йиғилган 82 нафар вакил сайлов жараёнини холис баҳолашга, ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдиришга ҳаракат қилишди.

Қарийб бир йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида самарали фаолият юритиб келган Бахтиёр Каримов, тафтиш комиссияси раҳбари Мавлуда Маҳмудоваларнинг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботлар мобайнида таъкидлаб ўтилганидек, маҳалла ҳисобидан, қолаверса, ҳомий инсонларнинг кўмагида қуриб битказилган гузар эндиликда ёшу кексаларнинг ҳордиқ чиқарадиган севимли масканы, турли тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб борадиган файзли гўша сифатида қадр топиб бормоқда. Бундан ташқари маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили эканлиги ҳисобга олиниб, аҳолининг нисбатан кам таъминланган, алоҳида кўмакка муҳтож қатламларини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Муҳокама учун сўзга чиқувчилар фикрлари тинглангач, асосий масала — маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқолини) сайлаб олиш кун тартибига қўйилди. Шу боис номзодлар — Бахтиёр Каримов, Маъруф Исмоилов, Шуҳрат Эшпўлатовларнинг сайловолди дастурлари билан танишилди.

Ниҳоят очиқ овоз бериш йўли билан Бахтиёр Каримовга яна маҳаллага етакчилик қилишдек масъулиятли вазифа топшириди. Бундан ташқари маслаҳатчилар, котиб ва бошқа фаолларни сайлаб олиш ҳам фаоллар эътиборидан четда қолмади.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Ўз-ўзи ўгланиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҒАМ ВА ҚАЙҒУ

Ғам-қайғу инсон саломатлигига путур етказувчи нарсалардан биридир. Ғам ва қайғуни йўқотадиган бирдан-бир чора одамга тасалли берадиган нарсалар билан шуғулланишдир.

Ҳаёт тақозоси билан инсон гоҳ шодланса, гоҳ хафа бўлиб туради. Шунинг учун ҳар бир киши шодлик айёмида ортиқча фахрланмаслиги, ғам келганда зиёда куймаслиги керак.

ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ БОР

Ҳар нарса меъёрида бўлса—ундан яхшилик, чегарасидан чиққанда эса ёмонлик пайдо бўлади. Ҳатто энг ёқимли нарса—шодлик ва сурур ҳам ҳаддан ортиқча бўлса, инсон саломатлигига зарардир.

Дунёда инсон руҳининг соғломлиги учун одам ҳаракати ва тафаккур машғулотидан кўра кучлироқ ҳаким топилмайди. Зеро, бу икки нарса инсоннинг саломат бўлиши учун кучли асос бўлиб, кимки бу икки нарсага амал қилишда хатога йўл қўйса, кўпгина кўнгилсизликларга дучор бўлади.

Инсон ўзининг азиз жонини муҳофаза қилиш учун, демак, ейиш-ичишда, жисмоний меҳнатда, уйқуда ва бедорликда ҳамда бошқа барча ишларда меъёрга диққат қилиши ва буни асло ёддан чиқармаслиги зарур.

Саломатликни сақлаш ҳақида ёзилган беҳисоб китоб ва узундан-узоқ масалаларнинг асосий қаймоғини «меъёрини сақлаш» деган бир жуфт сўз ташкил этади. Бунга амал қилиш эса унчалик қийин эмас.

Табибларнинг ўйлаб топган беҳисоб дорилари, сонсаноқсиз китоблари, соғлиқни сақлаш қоидалари, касалликлар ҳақидаги турли хил фикрлари—буларнинг пайдо бўлиш сабабларининг ҳаммаси битта нарсадан, яъни меъёрини бузиш ва ортиқчаликка йўл қўйиш оқибатидир. Кимки меъёрини билса, табобатга иши тушмайди.

ТАРБИЯ

Болалар! Тарбия шундай азиз бир нарсаки, у инсонни ҳамма вақт тўғри йўлдан олиб боради. Одамларнинг тарбияли ёки тарбиясиз эканликлари юриб-туришидан, муомала ва муносабатидан кўриниб туради. Тарбияли одам ўзини катта тутмайди, манманликка йўл қўймайди, кўли, қоши, кўзи орқали ҳар хил ишоралар қилмайди. Бирор ерга кирганда яхши жойни эгаллаш учун шошилиш, бошқалардан юқорирокка ўтиб ўтиришга интилиш ҳақиқий тарбиясизликдир.

Бирор ерда ўтирганда одобсизларча ҳаракатлар қилмаслик, столга гавдаси билан суяниб олмаслик, икки тарафга ястаниб ўтирмаслик шарт. Гоҳ оёқларини икки томонга кериб, гоҳ олдинга узатиб ўтириш ҳам одобга хилофдир.

Ўтиришга бирор улуғ кимса кирганда бошқалар унинг ҳурмати учун ўринларидан турганда, бир кишининг турмай ўтириши ёки бемаврид ҳадеб ўриндан туриб, ташқарига чиқавериши ҳам одобга хилоф иш.

Бирор кимса ҳақида гапираётганда ўша кимсани қўл чўзиб, бармоқ билан кўрсатиш гапираётганда эса гапини кўзига қарамай, бошқа ёққа ёки бошқа нарсага қараб туриш ҳам ёқимсиз феълдир.

Суҳбат вақтида қўл силташ, қўлни ҳадеб бошга ёки сочга тегизавериш, бошни қашийвериш, бармоқ билан бурун учини ушлайвериш—шу каби одатлар атрофидаги одамларни нороҳат қилади. Қошларни чимириш ёки учириш орқали бирор ишоратни амалга ошириш — бошқа кишиларни таҳқирлашдир. Аксириш табиий эҳтиёж бўлгани учун аксирган киши одам дарҳол ёнидан рўмолчасини олиб, четга қараб аксириши керак.

Бирор ўтириш ёки йиғилишда таом еб бўлинганидан кейин тишни қавлаш ва тозалаш зарур бўлса, четроқ ерга чиқиб, бу ишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Овқат ейилаётган пайтда оғизни катта очиб чапиллатиб ейиш, оғизни овқат билан ортиқча тўлдириб олиш хунук одат. Оғизни тўлдириб олиш, аввало кўпроқ ейишга уриниш бўлса, иккинчи томондан, яхши чайналмай, тез ютиб юбориш натижасида ҳазми ҳам оғир бўлиб, соғлиқни сақлаш қоидасига хилоф бўлишидан ташқари, одамларнинг ғашини ҳам келтиради.

Баланд овозда қаҳ-қаҳ уриб кулавериш одоб шартларига хилоф ва хунук одат бўлиши билан бирга кераксиз вақтда сабабсиз ҳар нарсага кулавериш ҳам одобдан эмас.

Одамларнинг камчилиги устидан кулиш, инсоннинг руҳий ёки жисмоний нуқсонларидан завқ олиш шу инсоннинг ўзида нуқсон борлигини билдиради.

Икки киши сўзлашиб турганда сўзларига пинҳона қулоқ солиб туриш ёки уларнинг суҳбатларига рухсатсиз қўшилиш ҳам одобга хилоф ишдир.

БАДАН САЛОМАТЛИГИ

Болалар! Баданимизни соғлом, вужудимизнинг бақувват бўлишига ҳар қандай бошқа нарсаларга нисбатан муҳтожроқмиз. Зеро, барча ҳаётий ишларимиз бадан саломатлиги орқали вужудга келтирилади. Дунёнинг барча давлати саломатлик давлатига етмайди.

Соғлом одамнинг ўн соат саломатликда кечирган вақтининг ниҳоятда қадри буюклигини кечалари оҳ уриб қийноқ ва азобда ётган бемор кишигина аниқ тасаввур қилиши мумкин. Киши саломат бўлмаса, унга ҳеч нарсанинг лаззати билинмайди. «Она, она!» деб тўлғониб ётган беморга унинг давлати ҳам, борлиғи ҳам фойда бермайди.Бемор бўлмаган одам саломатлик қадрини билмайди. Саломатликни сақлаш, уни қайта тиклаш эса даволар орқали ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳар бир киши ўз саломатлигини ҳимоя қилишни ҳар қандай нарсадан аввал билиши зарур. «Ҳар ким ўз баданининг табиби бўлиши керак» деган ҳикматли сўзнинг тез-тез такрорланиши ҳам шу маънога тааллуқлидир.

Болалар! Маълумингиз бўлсинки, инсон ҳайвонларга нисбатан саломатлигини сақлашни билиши, зарарли ва ҳалокатли нарсалардан сақлана олиши билан устун туради. Зеро, инсон ҳайвон каби бўкиб... қолгунча емайди, ҳазм қилишга ожиз бўлган нарсалардан ўзини тияди, бадан ва либосининг ҳамиша озода бўлишига эътибор беради об-ҳавони кузатиб бориб, шунга мос кийинади, ҳар хил бузилган ёки совиган сувларни истеъмол қилавермайди. Кимки буларга қарама-қарши иш тутса, ўзи бемор бўлишидан ташқари ота-она ва яқинларини ҳам ташвишда қолдиради.

Ғапнинг қисқаси, касалликка чалинтирадиган нарсалардан сақланиш ва саломатликни муҳофаза қиладиган нарсалар ҳақида қайғуриш лозим.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

Тақдимот

ИНТЕРНЕТДА ЯНГИ ВЕБ-САҲИФА

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИНИНГ ИНТЕРНЕТДАГИ WWW.IMAL.UZ. ВЕБ-САҲИФАСИ ОЧИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАҚДИМОТ БЎЛИБ ЎТДИ.

Айтиш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун ижодкорлиги иши сифатини ошириш, қонунчилик фаолиятининг жамият ҳаётига таъсири ва ролини кучайтириш ва шу асосда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2005 йил 2 апрелдаги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ташкил этилганлиги қонунларнинг сифатлилиги, устуворлигини ва уларнинг жаҳон андозалари даражасида бўлишини таъминлаш йўлида муҳим омил бўлди. Ўтган вақт ичида мазкур институт томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларига бағишланган ўнга яқин илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, анжуманлар, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлари мониторинги ўтказилди.

— Интернет тўғрисида Юртбошимиз: «Бугунги кунда миллий информация тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса муҳим аҳамиятга эга, бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади деган эдилар», — деди жумладан тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Фозилжон Отахонов. — Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ҳам институтимизнинг Интернет тармоғидаги веб-саҳифасини жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишдан иборатдир. Ўйлайманки, ушбу веб-саҳифанинг очилиши нафақат институт фаолияти, балки қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқий амалиёт самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Веб-саҳифа беш бўлимдан иборат бўлиб, улар жумласига институт фаолияти ҳақида маълумот берувчи «Асосий бўлим», институт томонидан ўтказилган илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари ҳақида маълумот берувчи «Тадбирлар» бўлими, шунингдек илмий-амалий семинар материаллари, тўпламлар ва институт ходимлари томонидан чоп этилган рисолалар ва мақолалар мужассамлашган «Нашрлар» бўлими, институтнинг давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар билан ҳамкорлиги тўғрисида маълумот берувчи «Ҳамкорлик» бўлими киради. Институт юридик манзили ва ходимлари билан боғланиш мумкин бўлган маълумотлар сайтнинг «Манзил» бўлимида ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур институт веб-саҳифасининг фаолият бошлаши институтнинг асосий вазифаларидан бири — хорижий парламентлар, ана шундай қонун ҳужжатлари мониторинги институтлари билан амалий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашни янада самарали амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА ПУШКИН КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ПУШКИН КУНЛАРИ ДОИРАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА МАМЛАКАТИМИЗ ВА РОССИЯЛИК САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР РОССИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ, «РОСЗАРУБЕЖЦЕНТР» ВАКОЛАТХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Концертда Россиянинг Вахтангов номли академик драма театри артисти, профессор Василий Лановой, Россияда хизмат кўрсатган артист, профессор Алексей Кузнецов, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Святослав Бэлза, Россияда хизмат кўрсатган маданият ходими Шамиль Закиров ва театрнинг яккахон хонандалари иштирок этишди.

— Пушкин туғилган кун - Россиянинг миллий байрами ҳисобланади, — деди Святослав Бэлза тадбирни очилиш маросимида. — Пушкин санъат, шеърият мусиқа ва адабиётнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. «Forbes» журналининг маълумотларига кўра, у мусиқага солинган асарлари жиҳатидан Шекспирдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Алишер Навоий ўзбек халқининг маънавият ва маърифат рамзи, буюк мутафаккири бўлганидек, Пушкин ҳам Россиянинг бетакрор арбобига айланган.

С.Бэлза, Пушкин ижодида Шарқ мавзуси катта ўрин тутгани, шоирни Шарққа оид барча жиҳатлар, ҳаттоки Қуръон ҳам ниҳоятда қизиқтирганини эътироф этди. У жаҳонда Пушкинга қўйилган ҳайкаллар сони 300 га яқин экани ва энг ажойиби Тошкент шаҳрида қад ростлаб турганини қўшимча қилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фазлиддин Ёқубжонов дирижёрлигида Алишер Навоий номидаги катта театрнинг симфоник оркестри ва театр артистлари ижросида «Полонез», Ленский, Борис Годунов ариялари, Пушкин шеърларига яратилган романслар ижро этилди.

Концертнинг иккинчи қисмида томошабинлар дикқатига Пушкиннинг «Қор бўрони» ҳикоясига бастакор Георгий Свиридов ёзган мусиқий композиция премьераси ҳавола этилди. Мазкур мусиқий асар муаллифи Г.Свиридов композицияни Пушкин ижодига мусиқий илова деб атаганди.

«Туркистон-пресс»

ЯҚИНДА ШАҲРИМИЗДАГИ 3-БОЛАЛАР САНЪАТ МАКТАБИДА «САНЪАТИМ САРҲИСОБИ» ДЕБ НОМЛАНГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечада мусиқа мактабининг устоз ўқитувчилари, таниқли бастакорлар, ота-оналар ва битирувчи ёшлар иштирок этдилар.

—Мусиқа мактабимизда ўқув жараёни ниҳоясига етди, — дейди 3-болалар санъат мактабининг директори Ҳамидулла Сагдуллаев. — Болалар етти, беш йиллик ўқув курсини муваффқиятли якунладилар. Истеъдодли ёшларимиз жуда ҳам кўп. Улар турли хил кўрик-танловларда, фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритиб ғолиб бўлганлар. Мусиқа санъати ҳамиша инсонларга гўзаллик, нафосат ва бир олам шодлик, бахтиёрлик бахш этади. Истаймизки, ушбу ёшларимиз келажакда санъатимиз довруғини оламга достон этсинлар, биз ўқитувчилар эса улардан фахрланиб яшайлик.

Дарҳақиқат, мусиқа санъати барча соҳалар ичида энг юракка яқини. Шодон вақтингда ҳам, ғамгин ҳолингда ҳам куй-қўшиққа қалбингни бўшатиб берсанг дилинг ҳузурланиб, юрагинг таскин топади.





Кечада фортепиано соҳаси бўйича етти йил шу масканда таҳсил олган Ваня Скориков, ўқитувчи Н. Аракелова билан «Скерцо-каприччо»ни, дутор бўйича беш йил сабоқ олган Шавкат Назаров, ўқитувчиси Г.Бобохонова жўрлигида «Нағма» куйини йиғилганларга чалиб бердилар.

—Ушбу даргоҳ менга келажакдаги йўлимни белгилаб берди,— дейди Нодира Абдувоҳидова. — 7 йил давомида фортепиано йўналишида таҳсил олдим. Ўқитувчим Е. Шаурдо менга мусиқа сирларини эгаллашимда яқиндан туриб ёрдам берди. Улардан ва барча устозларимдан миннатдорман. Худо хоҳласа ўз санъатим билан Ватанимиз шаънини тараннум этаман.

Мусиқа мактаби битирувчилари устозларини дил сўзлари ва гуллар билан табрикладилар. Куй қўшиққа йўғрилган кеча барчада хуш кайфият уйғотди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар

Таълим масканларида

АДАБИЙ-БАДИИЙ КЕЧА

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ҚАЙ БИРИ ТЎҒРИ?

Домланинг айтганини қил, қилганини қилма, деган гап бор халқимизда. Бу албатта сўзига амал қилмайдиган тили бошқа, дили бошқа одамлар учун айтилган гап. Яқинда Юнусобод бозорини кезиб юриб, шунга ўхшаш ҳолатга дуч келдик. Бу ерда кундалик нарх-навони ўқтин-ўқтин бозор радиоузели орқали эълон қилиб туриш йўлга қўйилган. Албатта бу бозорга кирган харидор учун ҳам, ҳисобидан адашмайдиган сотувчи учун ҳам анча қулай. Чунки бозорга келтирилган маҳсулотнинг нарх-навоси тахминан шунга қараб белгиланади.

Биз бозорда бўлган кунимиз ҳам, радиоузел орқали бугунги маҳсулотлар нарх-навоси ҳақида тез-тез маълумот бериб турилди. Эсимизда қолган баъзи маҳсулотларнинг нархини эслатиб ўтмоқчимиз. Хусусан гилоснинг нархи 300 сўмдан 800 сўмгача, картошка эса 350 сўмдан 400 сўмгача, сабзи 150 сўмдан, 200 сўмгача ва бошқа маҳсулотларнинг баҳоси ҳақида ҳам шундай тушунтириш бериляпти. Атайлаб гилос сотувчиларидан бирма-бир сўраймиз.

— Гилоснинг нархи қанча?

— 2000 сўм. Яна бошқалари 1,5 минг сўм, 1000 сўм деб ўтиришибди. Тўғри, эзилган ёки майда гилослар 500 сўмдан 600 сўмгача сотиляпти. Лекин сархилларининг баҳоси ўша биз юқорида айтгандек қиммат. Назаримизда, бозор нархи 300 сўмдан 800 сўмгача дейилгандан кейин маҳсулот қандайлигидан қатъий назар бундан ортиқча нархда сотилишига йўл қўймаслик мақсадга мувофиқ бўлса керак? Буниси ҳам майли. Энди картошка растасига ўтайлик. Бир чеккадан сўраймиз. Ҳамма сотувчининг оғзида бирдек нарх. 550 сўм. Майдароғи 500 сўм. Боринги 450 сўмгача сотиляпти. Сабзининг нархи ҳам бир текис 300 сўм.

Сотувчилардан сўраймиз:

— Ахир радиода бошқа нарх айтиляпти. Нега сотувда бунга амал қилмаяпсизлар?

— Гапираверади, отам. Радио бошқа, бозор бошқа.

Ана энди шу жавобдан ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг. Боши қотган бечора харидор қай бирига амал қилсин? Ахир бозорда «Ҳой, биродарлар, айтилган нарх-навога амал қилинглар!» — дегувчилар топиладими? Кунда, кунора бозорни текшириб юрган корчалонлар нимани назорат қилишяпти ўзи?

КЎНГИЛСИЗ ТУГАГАН САФАР

Ҳозир ёзги мавсум бошланиб, Тошкент вилоятининг дам олиш масканлари анча гавжумлашиб қолган. Ўтган шанба куни биз ҳам уч-тўртта дўстлар билан масалахатлашиб Бўстонликда жойлашган Хумсон қишлоғи томон йўл олдик. Дам олишимиз бир кунга мўлжалланган учун сой бўйидаги баъзи хонадонлардан жой қидиришимизга тўғри келди. Меҳмонхоналарнинг нархи қиммат десак, оддий хонадонлардан жой берувчилар ҳам нарх-навони анча ошириб белгилайдиган бўлишибди. Хуллас, бир кунлик ётоқ бир киши учун 5 минг сўм. Бу ўртачаси. Ҳатто ундан икки баравар ортиқлари ҳам бор.

Тўрт улфат маслаҳатлашиб, ҳар биримиз учун 5 мингдан тўлашга рози бўлиб, бир хонадонга жойлашдик. Вақт тушга яқинлашиб қолгани учун чой тайёрлаш тараддудига тушдик.

— Бизда газ баллонда келтирилади. Илтимос, газдан тежамли фойдаланинглар. Фақат чой қайнатишинглар мумкин. Овқатни эса қозонда ўт билан пиширасизлар, — деб огоҳлантиришди хонадон эгалари.

Рози бўлдик. Мириқиб ҳордиқ чиқариб чой ичгач, таом тайёргарлиги бошланди. Бизга биркитилган қозонга ўт қалайлик десак, ўтин йўқ. Хонадон эгаси Ҳикмат бободан (оти шунақа) сўрасак, унинг ўрнига ёшроқ аёл жавоб берди.

— Бизда ортиқча ўтин йўқ. Ўтинни ўзларингиз топасизлар. Нари-бери борсанглар синган шох-шаббалар сероб. Ташиб келасизлар.

Буниси қизиқ бўлдику. Бошга тушганини кўз кўрар дёб ўтин қидириб кетдик. Ҳар қалай ўтин топилди. Бир овқат пишарли шох-шаббаларни ғамлаб олдик.

Таомдан сўнг сой бўйига чиқдик. Угам дарёсининг тошдан тошга урилиб оқишига маҳлиё бўлиб анча ўтирдик. Кечки пайт ётоққа қайтдик. Тушликдан қолган овқатни иситиб, чойхўрлик қилдик. Алла паллагача суҳбатимиз қизиди. Шу орада кимдир чойнак кўтариб, яна чой қайнатиш тараддудига тушди. Ўчоқбошига кирса бояги аёл замзама қилиб:

— Бунақа кечаси билан чой қайнатсанглар, бир йўла газни тамомлаб кетасизларку, — дебди.

Дўстимиз хижолат тортганидан қўлида қуруқ чойнак билан қайтди.

— Майли, бир кеча минг кеча бўлмас, — дея унга тасалли бериб уйқуга кетдик.

Устимиз юпун бўлгани учун кечаси билан чивинга таландик. Эрталабга яқин совуқ қотганимиздан шолчада ётсак ҳам тагимиздаги кўрпачаларни тортиб устимизга ёпдик.

Энг ёмони кетар чоғимизда бўлди. Қаердандир пайдо бўлган ўрта ёшли киши (аёлнинг эри бўлса керак) яқинимизга келиб биз билан саломлашгач, ҳисоб-китоб қилишимизни сўради. Тўрт улфат 20 минг тўплаб унинг қўлига тутдик. У пулларни бирма-бир санаб:

— Бу кам, яна минг сўмдан қўшасизлар, — деди.

Биз олдиндан шу нархга келишганимизни айтдик.

— Мен йўғимда уйдагилар арзон айтишибди. Газ, ўтин, кўрпа-ёстиқ деганидек, яна 4 минг сўм бермасаларингиз бўлмайди, деб туриб олди.

Норози бўлсак-да, яна минг сўмдан беришга мажбур бўлдик. Хуллас яхши ният билан отланган сафаримиз мана шундай кўнгилсиз тугади. Начора, баъзан шунақаси ҳам бўлиб турарканда. Нима бўлганда ҳам, одам инсофни унутмагани яхши.

МУОМАЛАДА ГАП КЎП

Хонамда дикқинафас бўлиб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Гўшакдан:

— Бундоқ газетага қарайсизларми ўзи? Хатоларини текширадиган одам борми? Кечаги сонида ҳам битта имло хатога йўл қўйибсизлар, — деган овоз эшитилди.

Бўйнида иллати борнинг тиззаси қалтирайди. Пешонамдан совуқ тер чиқиб кетди. Бир зум нима дейишимни билмай қолдим. Беайб парвардигор. Иш бор жойда камчилик бўлади. Бунисини тан оламиз. Лекин томдан тараша тушгандек оддий ўзбекона лутфни унутиб, таҳририятни айблаётган кишининг қўпол муомаласидан дилимиз зил кетди. Шундай бўлса-да ундан сўрадик:

— Айтинг, қайси мақолада хато кетибди? Билиб қўйганимиз яхши-да.

—Бир камими энди газета ўқиб беришим қолувди.

— Ҳеч бўлмаса ўзингизни таништиринг, исми-шарифингизни айтинг.

— Суриштириб нима қиласан, ундан кўра хатоларингни тузат.

Бир зумда гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитилди.

Майли, муомала маданияти ҳақидаги гапни қўя турайликда.Оддий инсоний муносабатга ўтайлик. Хўп, айтинг, сизнинг бирон хатоингиз ҳақида сўз айтган одам наҳот ўзини таништиришни эп кўрмаса? Бунинг устига сизни «Ўз ёғингда ўзинг қовурил» дегандек оғир муаммо гирдобига ташлаб, индамай гўшакни қўйиб қўйса. Энди буниси нима деб атамоқ керак? Дўстона танқидми, ёки атайлаб қилинган ғаламисликми? Келинг, яхшиси гапни чўзмай, бу ҳақдаги аниқ хулосани сиз азизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиб қўя қолайлик.

УС 002237 серияли улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи лицензия бланкаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Марказда жойлашган квартирани суткали топшираман. Т: 157-62-48

Юнусобод тумани Хўжаев даҳаси, 2-уй, 15-квартирада жойлашган ХТ «Ядгаров Н.А» фирмаси 2006 йил 10 июндан тугатилади. Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида 396-24-56 телефони орқали қабул қилинади.

Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйда жойлашган, Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси «АТ-ТОРЛИМ» 2006 йил 10 июндан тугатилади. Ҳамма даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 148-16-01

ФУТБОЛ БЎЙИЧА XVIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ГУРУҲЛАРИДАН ЎРИН ОЛГАН ЖАМОАЛАР ВА ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

«A» гуруҳи

1	Германия	⚽			
2	Коста-Рика		⚽		
3	Польша			⚽	
4	Эквадор				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
1	09.06	21.00	Германия—Коста-Рика
2	09.06	24.00	Польша—Эквадор
17	14.06	24.00	Германия—Польша
18	15.06	18.00	Эквадор—Коста-Рика
33	20.06	19.00	Эквадор—Германия
34	20.06	19.00	Коста-Рика—Польша

«B» гуруҳи

1	Англия	⚽			
2	Парагвай		⚽		
3	Тринидад ва Тобаго			⚽	
4	Швеция				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
3	10.06	18.00	Англия—Парагвай
4	10.06	21.00	Тринидад ва Тобаго—Швейция
19	15.06	21.00	Англия—Тринидад ва Тобаго
20	15.06	24.00	Швейция—Парагвай
35	20.06	24.00	Швейцария—Англия
36	20.06	24.00	Парагвай—Тринидад ва Тобаго

«C» гуруҳи

1	Аргентина	⚽			
2	Кот Д'Ивуар		⚽		
3	Сербия ва Черногория			⚽	
4	Голландия				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
5	10.06	24.00	Аргентина—Кот-д`Ивуар
6	11.06	18.00	Сербия ва Черногория—Голландия
21	16.06	18.00	Аргентина—Сербия ва Черногория
22	16.06	21.00	Голландия—Кот-д`Ивуар
37	21.06	24.00	Голландия—Аргентина
38	21.06	24.00	Кот-д`Ивуар— Сербия ва Черногория

«D» гуруҳи

1	Мексика	⚽			
2	Эрон		⚽		
3	Ангола			⚽	
4	Португалия				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
7	11.06	24.00	Мексика—Эрон
8	11.06	24.00	Ангола—Португалия
23	16.06	24.00	Мексика—Ангола
24	17.06	18.00	Португалия—Эрон
39	21.06	19.00	Португалия—Мексика
40	21.06	19.00	Эрон—Ангола

«E» гуруҳи

1	Италия	⚽			
2	Гана		⚽		
3	АҚШ			⚽	
4	Чехия				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
9	12.06	24.00	Италия—Гана
10	12.06	21.00	АҚШ—Чехия
25	17.06	24.00	Италия—АҚШ
26	17.06	21.00	Чехия—Гана
41	22.06	19.00	Чехия—Италия
42	22.06	19.00	Гана—АҚШ

«F» гуруҳи

1	Бразилия	⚽			
2	Австралия		⚽		
3	Хорватия			⚽	
4	Япония				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
11	12.06	18.00	Австралия—Япония
12	13.06	24.00	Бразилия—Хорватия
27	18.06	21.00	Бразилия—Авсралия
28	18.06	18.00	Япония—Хорватия
43	22.06	24.00	Япония—Бразилия
44	22.06	24.00	Хорватия—Австралия

«G» гуруҳи

1	Франция	⚽			
2	Швейцария		⚽		
3	Жанубий Корея			⚽	
4	Того				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
13	13.06	21.00	Франция—Швейцария
14	13.06	18.00	Жанубий Корея—Того
29	18.06	24.00	Франция— Жанубий Корея
30	19.06	17.00	Того—Швейцария
45	23.06	24.00	Того— Франция
46	23.06	24.00	Швейцария— Жанубий Корея

«H» гуруҳи

1	Испания	⚽			
2	Украина		⚽		
3	Тунис			⚽	
4	Саудия Арабистони				⚽

№	Сана	Вақт	Ўйин
15	14.06	18.00	Испания—Украина
16	14.06	21.00	Тунис—Саудия Арабистони
31	19.06	24.00	Испания— Тунис
32	19.06	21.00	Саудия Арабистони—Украина
47	23.06	19.00	Саудия Арабистони— Испания
48	23.06	19.00	Украина— Тунис

1/8 финал


№1	24 июнь	20:00	«A» 1-ўрин—«B» 2-ўрин
№2		24:00	«C» 1-ўрин—«D» 2-ўрин
№3	25 июнь	20:00	«B» 1-ўрин—«A» 2-ўрин
№4		24:00	«D» 1ўрин—«C» 2-ўрин
№5	26 июнь	20:00	«E» 1-ўрин—«F» 2-ўрин
№6		24:00	«G» 1-ўрин—«H» 2-ўрин
№7	27 июнь	20:00	«F» 1-ўрин—«E» 2-ўрин
№8		24:00	«H» 1-ўрин—«G» 2-ўрин

1/4 финал

A	30 июнь	20:00	№ 1 ғолиби—№ 2 ғолиби
B		24:00	№ 5 ғолиби—№ 6 ғолиби
C	1 июль	20:00	№ 3 ғолиби—№ 4 ғолиби
D		24:00	№ 7 ғолиби—№ 8 ғолиби

1/2 финал

4 июль	24:00	A ғолиби—B ғолиби
5июль	24:00	C ғолиби—D ғолиби
3-ўрин учун		
8 июль	24:00	Штутгарт
Финал		
9 июль	23:00	Берлин



Ўйинларнинг бошланиши Тошкент вақти билан кўрсатилган.

ДУШАНБА, 12

«Ўзбекистон»

6.00, 14.20 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00«Тахлилнома».
8.45, 10.30, 11.10, 12.30, 14.15, 17.10, 17.40, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 13.50, 17.15 Олтин мерос.
8.55 «Сехрланган қиз». Болалар учун фильм.
10.35 «Алломиш изидан». Видеофильм. 1-қисм.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.15, 20.05 «Омон бўлинг!»
11.20 «Одами эрсанг».
11.40, 12.35 «Муқаддас тахтизор». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 1-2 -қисм.
13.30 «Рангин дунё».
15.20 «Ўзбегим ўғлонлари».
16.20 «Олтин бешик».
16.50 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
